Куч — адолатда

2013 йил
19 июл,
жума
№ 29 (438)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Мамлакатимиз ғаллакорлари бу йилги мавсумда республикамиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Бу юксак марра фидойи деҳқон ва фермерларнинг давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллик қутлуғ байрамига муносиб туҳфаси бўлди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов республикамиз ғаллакорларига йўллаган табригида алоҳида таъкидланганидек, жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

Қишлоқ хўжалигимиз тарихида янги ёрқин саҳифа

Дарҳақиқат, осмон қадар юксалиб бораётган ялпи буғдой хирмонига боқиб, қалбинг фахр-ифтихорга тўлади. Нечун қувонмайлик?! Ахир, ўтган қисқа давр ичида ўз донимиз, беминнат нонимизга эга бўлдик. Бир пайтлар республикамиз аҳолиси эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалла катта миқдордаги маблағ эвазига четдан олиб келинган бўлса, эндиликда заминимизда етиштирилаётган ҳосил эвазига ички эҳтиёжимиз тўлиқ таъминланиб, унинг бир қисми ҳатто экспорт қилинаётир. Қўлга киритилган ушбу муваффақият Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилидан бошлаб, мустақиллигимизнинг иқтисодий асоси бўлган дон мустақиллигига эришиш борасида изчил амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг беқиёс самараларидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўшанда ғалла экиладиган майдонлар суғориладиган ерлар ҳисобига 1 миллион гектарга кенгайтирилади, деган қатъий қарорга айримлар шубҳа билан қараганини соҳа мутахассислари яхши эслашади. Бу эса тезда амалда ўз исботини топди. Аниқроғи, истиқлол йилларида ғалла майдонлари 5,1 баробарга кўпайтирилиб, хусусан, 2013 йил ҳосили учун 1 миллион 137,5 минг гектар суғориладиган, 203 минг гектар лалмикор майдонларда бошоқли дон экинлари етиштирилди. Пировардида ўтган йилдагига нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп сара дон ўрибянчиб олиниб, ғалла мустақиллигимиз янада мустаҳкамланди.

Мутахассисларнинг айтишича, ғаллачиликдаги натижалар нафақат ҳосилдорликнинг юқорилиги, балки етиштирилган дон сифати ва истеъмол хусусиятлари кўрсаткичларининг нечоғли яхшилиги билан ҳам ўлчанади. Шу маънода бугун ҳар қанча қувонсак, фидойи фермерлар шаънига ҳар қанча илиқ фикрлар билдирсак арзийди. Чунки йиғиштириб олинган буғдойнинг мағзи тўқ, сифати талаб даражасида. Бунинг кўплаб омиллари бор, албатта. Улар орасида энг асосийси — уруғлик тайёрлашнинг яхши йўлга қўйилганидир.

Гап шундаки, юртимизда тупроқ ва иқлим шароитига мос серҳосил буғдой навларини яратиш, уларни районлантириш баробарида, уруғлик тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Суғурта хизмати

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

Маълумки, мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини жорий қилиш, суғурта компанияларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Жумладан, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2008 йил 10 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) молмулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом мамлакатимиз суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш ҳамда бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кўламини кенгайтириш, суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш ҳамда миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойилларига уйғунлаштириш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Burch va mas`uliyat

Солиққа оид қонунчилик

бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга

Айтиш керакки, амалдаги қонунларни изчиллик билан такомиллаштириш мақсадида киритилаётган тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни амалиётда тўғри татбиқ этишни таъминлаш, қонунларни аниқ ва бир хилда қўллаш борасида ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қиладиган том маънодаги институтга айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Жумладан, 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилингани суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида тарихий воқеа бўлди.

Islohot va samara

Инсон манфаатлари устуворлиги

амалда тўлиқ таъминланмоқда

Шунингдек, ўтган даврда жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар фаолияти йўлга қўйилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари янада кучайтирилди. Суд томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини юқори босқич судлари томонидан текширишнинг апелляция ва кассация тартиби жорий этилди. Бундан ташқари суд жараёнида прокурор ва ҳимоячининг тенглиги таъминланди. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига халқимизнинг миллий табиатига хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби эзгу амалларни ўзининг моҳиятида мужассам этган ярашув институти жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mustaqilligimizning 22 yilligi oldidan

Ҳақиқатга айланган афсона

Байроқ, герб, мадҳия каби давлат рамзлари орқали дунёдаги мамлакатларни яққол тасаввур қиламиз. Муайян давлатнинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланган бетакрор табиат ёдгорликлари, қадимий осори-атиқалари, киши ақлини шоширувчи турфа замонавий иншоотлари, оламга машҳур маҳсулотлари тимсолида ҳам ўша юртни кўз олдимизга келтирамиз.

Ўзбекистонда юқорида айтиб ўтилган неъматларнинг барчаси жамулжам, десак, хато бўлмайди. Фусункор табиат, дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган файзли гўшалар, буюк аждодларимизнинг юксак тафаккури эҳромига айланган қадимий обидалар, истиқлол йилларида барпо этилган улуғвор иншоотлар ҳар қандай инсонни ҳайратга солади, ҳавасини тортади. Мустақиллик шарофати билан дунё аҳли "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси қўйилган миллий маҳсулотларимиз орқали ҳам мамлакатимизни таниётгани барчамизга чексиз ғурур бахш этади. Зеро, киши ўз қўли билан бирор буюм яратса, меҳнатининг маҳсулидан кўнгли қувончга тўлади. Мамлакати бирор янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганда эса ўн чандон хурсанд бўлади, қалбдаги дахлдорлик ҳиссидан юракда ифтихор туяди.

Бундан ўн етти йил аввал Ўзбекистонда автомобиль заводи ишга тушгани юртдошларимиз қалбига ана шундай сурур бағишлади. Энг илғор технологияларни, илмий-техникавий изланишларнинг энг сўнггги ютуқларини, юксак малакали кадрларни жалб қилишни тақозо этадиган автомобилсозлик мустақиллик Ўзбекистон иқтисодий ҳаётига нақадар улкан ўзгаришлар олиб келганига ёрқин мисолдир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Даъво муддати

у меҳнат низоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади

Амалдаги қонунчилигимизда ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, ишга тиклашга доир низолар бўйича ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судга ёки меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат этиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Солиққа оид қонунчилик

бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг суд амалиётида аниқ ва бир хилда қўлланилиши хусусида тўхталадиган бўлсак, Олий суд Пленумининг 2003 йил 6 июндаги **"Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"**ги қарори муҳим қўлланма вазифасини ўтаб келганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг синовдан ўтган ёндашув ва тамойиллари асосида ишлаб чиқилиб, 2009 йилнинг 1 январидан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексидаги норма ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ҳамда солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Албатта, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда ривожланиши, даврнинг шиддат билан ўзгариши Солиқ кодексига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирди.

Бу, ўз навбатида, Олий суд Пленумининг **"Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"**ги қарорига ҳам муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Ушбу ҳаётий талабдан келиб чиқиб, Олий судда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятга доир мингдан ортиқ жиноят ишлари, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик билан боғлиқ маъмурий ишлар таҳлил этилди. Таҳлил натижалари умумлаштирилиб, янги таҳрирдаги Пленум қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг 31 майида қабул қилинди.

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг ушбу янги қарорини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин. Жумладан, Пленум қарорининг 1-3-бандларида солиқ ва маҳаллий йиғимларнинг конституциявий асослари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, уларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш ёки бошқача тарзда қасддан бўйин товлаш тушунчаларига, шунингдек, жавобгарликни истисно этувчи ҳолатларга батафсил шарҳ берилган.

Шунингдек, Пленум қарорида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси биринчи қисми ва Жиноят кодексининг 184-моддаси биринчи қисми бланкет, яъни ҳаволаки диспозицияга эга бўлгани боис суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларга "даромадлар", "фойда", "солиқ солинадиган объектлар", "солиқлар", "бошқа мажбурий тўловлар" каби тушунчалар мазмунини аниқлаш учун қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодекси меъёрларидан келиб чиқиш зарурлиги, Солиқ кодексининг 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, қандай тўловлар солиқ ва қайси тўловлар мажбурий тўлов деб номланиши тўғрисида ҳам алоҳида тушунтиришлар берилди.

Пленум қарорининг 4-бандида эса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи аниқ ифодасини топган. Бунда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган шахсга нисбатан қандай ҳолларда маъмурий ёхуд жиноий жазо қўлланиши тўғрисида атрофлича тушунтириш берилган.

Бундан ташқари Пленум қарорининг 5-бандида айбдорнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилишга доир тушунтиришлар ўрин олган бўлса, 6-бандида эса, жавобгарлик келиб чиқишининг зарур шарти ва унинг белгиларига тавсиф берилган. Пленум қарорининг 7-бандида ҳам солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда бу жиноий қилмишни тўғри квалификация қилишга доир кўрсатмалар келтирилган бўлса, 8-бандида эса, жавобгарликдан озод этиш шартлари қайд этиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу Пленум қарорида солиққа оид жиноятларнинг тугалланган вақти, жиноят субъектининг ёши, жиноятни яширишга кўмаклашган шахслар ва уларни жавобгарликка тортишнинг қонуний тартиби, бундай жиноятларни такроран содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шуни қайд этиш жоизки, судлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда судланувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби бор-йўқлиги билан боғлиқ ҳолатларни бошқа далиллар билан бир қаторда эксперт хулосаси, ҳужжатли текширув ва молия-хўжалик фаолияти тафтиш актлари, давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорлари асосида ҳам аниқлаши мумкин.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ барча ҳолатларни тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлаш мақсадида, зарурат туғилганда, суд мажлисига солиқ солиш соҳаси бўйича мутахассисларни жалб қилиш ҳам иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Айни чоғда Пленум қарорида солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида кўрсатилган асосларга кўра тугатилган тақдирда, мазкур тўловлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳал қилиниши ҳам алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари Пленум қарорида

Qonun ijodkorligi

Суғурта хизмати

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан суғурталашни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш мақсадида 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур дастурда:

— суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш;

— кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

— республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш;

— суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, ушбу қарор билан Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси ташкил этилиб, қуйидагилар уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланди:

— суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

— потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш;

— республика аҳолиси ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

— суғурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари ушбу қарорда суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш учун мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги ҳам белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, юқорида номлари келтирилган қонунларнинг ижроси бўйича назоратни амалга ошириш махсус ваколатли давлат органларига, хусусан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича назоратни амалга ошириш — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича назоратни амалга ошириш — Ички ишлар вазирлигига, хавфли ишлаб чиқарувчи объектларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича назоратни амалга ошириш — "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекциясига юклатилган.

Айтиш керакки, мажбурий суғурта соҳадаги қонунлар ижросини янада тўлиқ таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган **"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди.

Ушбу қонун лойиҳаси суғурта қилдирувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта қилиш мажбуриятини бажаришини махсус ваколатли давлат органлари томонидан тегишли мониторинг ишларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад — махсус ваколатли давлат органларининг суғурта ташкилотларидан зарур ахборотларни олиши ва улар асосида ихтисослашган маълумотлар базаларини яратиши, суғурта хизматлари ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги ва аҳолининг суғурта маданиятини ошириш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларининг ижросини янада тўлиқ таъминлашдан иборатдир.

Бинобарин, таклиф этилаётган қўшимча ва ўзгартиш суғурталовчиларга "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни, айнан суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурталанган мол-мулк ва суғурта пули ҳақидаги, яъни суғурта қилиш мажбурияти бажарилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотларни тегишли давлат бошқаруви органларига бериш имкониятини яратади.

Шу ўринда "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларнинг бир қисми, яъни суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ҳозирги кунда амалда бўлган мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта қилиш мажбурияти бажарилганлигини аниқлаш учун зарур эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Қонун лойиҳаси юзасидан Франция, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Украина каби қатор давлатларнинг қонун ҳужжатларида суғурта сирига оид маълумотларни давлат бошқарув органларига белгиланган тартибда тақдим этилиши бўйича халқаро амалиёт атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларнинг мақбул жиҳатлари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилди.

Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг "Суғурта тўғрисида"ги қонунида суғурталовчи суғурта қилдирувчи, унинг мол-мулки, суғурталанган шахс, наф олувчи тўғрисидаги маълумотни сир сақлаши лозимлиги, бундай маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда давлат органларига тақдим этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Япониянинг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунида эса, суғурта компанияси ўз харидорлари тўғрисидаги маълумотларни, хусусан, уларнинг суғурталанганлиги, суғурталанган мол-мулки, унинг қиймати тўғрисидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга, суд ва унинг ижрочиларига ва қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида бошқа давлат органларига тақдим этиши лозимлиги назарда тутилган.

Франциянинг "Суғурта тўғрисида"ги қонунида ҳам Франция ҳудудида фаолият олиб борувчи ҳар қандай суғурта ташкилоти Маълумотлар марказига аъзо бўлиши ва унга тузилган суғурта шартномалари, шу жумладан, суғурта қилдирувчи, наф олувчи, суғурталанган шахс, мол-мулк, суғурта пули, суғурта муддати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шартлиги кўзда тутилган. Ушбу Марказдан керакли маълумотларни суғурталовчилар, суғурта назорати соҳасидаги давлат органлари олиши белгилаб қўйилган.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу мавзуга бағишлаб ўтказилаётган давра суҳбатлари ва амалий семинарларда қонун лойиҳасини маромига етказиш юзасидан сиёсий партияларнинг фракциялари, экспертлар, мутахассислар, ҳуқуқшунослар фикр, таклиф ва тавсиялари билан қонун лойиҳасига ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида мажбурий суғурта соҳасидаги қонунларнинг тўлиқ амал қилишини, суғурта бозорининг янада шаффофлиги таъминланишини, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш даражаси кенгайишини, суғурта қилиш мажбурияти бажарилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотларни махсус ваколатли давлат органларига бериш имкониятини яратади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда суғурта соҳасига оид қонун ҳужжатларининг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Fuqarolik qonunchiligi

Даъво муддати

у меҳнат низоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Айтиш керакки, ушбу қоида Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"**ги қарори 3-бандида ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу бандга мувофиқ, судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас.

Суд даъво муддатини қўллаш масаласини ҳал қилишда ушбу низога даъво муддатини қўллаш мумкинлигини, мазкур ҳуқуқий муносабатга қайси даъво муддати татбиқ этилиши ва энг асосийси, даъво муддати қачон ўта бошлаганини аниқлаши зарур.

Олий суд Пленуми қарорида белгиланганидек, Фуқаролик процессуал кодексининг 8-моддаси ҳамда Фуқаролик кодексининг 153-моддаси 2-қисми мазмунига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши туфайли даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборгани суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Мазкур Пленум қарори талабига мувофиқ, суд томонидан даъво муддати узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган, деб топилган тақдирда, бу муддат тикланади. Аммо суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилганини аниқласа, даъвони рад қилиши ҳам мумкин.

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатадики, ишга тиклаш билан боғлиқ низоларда ўз вақтида судга мурожаат қилмасдан, даъво муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юбориш ҳолатлари учраб туради. Бу эса, юқорида қайд этилганидек, судлар томонидан даъво талабларининг рад қилинишига сабаб бўлади.

Масалан, даъвогар А.Ҳамроқулов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш ҳамда ўтказиб юборилган даъво муддатини узрли деб топиб, уни тиклашни сўраган. Судда аниқланишича, даъвогар умумтаълим мактабида жисмоний тарбия ўқитувчиси вазифасида фаолият юритган бўлиб, иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси унинг номутаҳассис экани туфайли бекор қилинган. Шундан сўнг даъвогар тумандаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат қилган. Иш берувчига мазкур муассаса томонидан ишга тиклаш тўғрисида кўрсатма берилган бўлса-да, мактаб директори томонидан рад жавоби берилган.

Шундан сўнг даъвогар туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилган. Бироқ халқ таълими бўлими томонидан унинг аризаси қаноатлантирилмагач, туманлараро судга мурожаат этган.

Суд томонидан даъвогарнинг даъво муддатини тиклаш ҳақидаги талаби муҳокама қилиниб, даъво муддатини ўтказиб юбориш билан боғлиқ узрли сабаблар аниқланмагани, даъвогарда бир ойлик муддат ичида судга даъво аризасини топшириш имконияти мавжуд бўлганлиги инобатга олиниб, даъво талаблари рад этилган.

Ушбу мисолдан шуни англаш мумкинки, ҳар бир ходим ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклашни лозим топган тақдирда иш берувчидан буйруқ нусхасини олган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида судга мурожаат этиши керакки, бу унинг ҳуқуқларини тиклашда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва меҳнатга оид низоларни қонуний ва адолатли ҳал этиш орқали халқимизнинг судларга бўлган ишончини янада оширишга ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раиси ўринбосари

Saboq

Фарзанд азиз, одоби ундан азиз

Бу ҳаётда ота-она зиммасидаги энг муқаддас бурчлардан бири фарзандига оқилона тарбия бериш ҳисобланади. Зотан, намунали хулқ-атворга эга оқил фарзандлар нафақат ўз ота-онасининг, айни чоғда эл-юртнинг корига яраб, хайрли ва эзгу ишларни амалга оширади. Фарзанд тарбиясида йўл қўйилган эътиборсизлик ва лоқайдлик эса, ҳеч қачон беиз кетмайди. Қуйидаги мисоллар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шаҳбоз Қосимов (исм-шарифлар шартли) тунда қўшниси Ф.Азимованинг ҳовлисига яширин равишда кириб, унинг 600 минг сўмлик 30 бош товуғини ўғирлаб кетади. Шу тариқа у ўғирланган паррандаларни Иштихон туманидаги деҳқон бозорига олиб бориб, 210 минг сўмга сотиб юборади.

Хўш, Шаҳбоз нега бундай қилмишга қўл урди? Уни жиноят кўчасига нима етаклади? Маълум бўлишича, Шаҳбоз ғоятда қизиқувчан бўлгани боис қўшниси Жавлоннинг қўлидаги соатга ҳаваси кетиб, уни бир неча кунга тақиб юриш учун сўраб олади. Шаҳбоз соатни ўқишга тақиб борганининг иккинчи куни волейбол ўйнаётганида соатнинг ойна қопламаси тасодифан синиб қолади. Буни эшитган Жавлон Шаҳбозга "Нархи 600 минг сўм эди, бироз эскиргани учун сен 400 минг сўм берасан", дея шарт қўяди. Шаҳбоз ўз навбатида, бунча пули йўқлигини айтади. "Пулинг борйўқлиги мени қизиқтирмайди, зарарни тўлашинг шарт", дейди Жавлон қўрслик билан.

Шундан сўнг пул топиш тараддудига тушган Ш.Қосимов ўзганинг мулкини ўғирлаш режасини тузади. У бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этади.

(Давоми тўртинчи бетда)

устуворлиги

амалда тўлиқ таъминланмоқда

Энди аввал ваъда қилганимиздек, хулосага тўхталиб ўтсак, амалдаги Жиноят кодексининг 13-моддасида "Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисобланмасалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас", деб белгилаб қўйилган.

Юқорида баён этилган биринчи мисолдаги З.Ўроловнинг жавобгарлигини маълум даражада енгиллаштиради. Судланган З.Ўролов Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбланган. Жиноят кодексининг 184-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш учун эса, шахс муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак. З.Ўролов эса, маъмурий жавобгарликка тортилмаган.

Апелляция инстанцияси суди З.Ўроловга нисбатан биринчи босқич суди чиқарган ҳукмни бекор қилиб, унга оид жиноят ишини Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Маҳкумлар С.Сафаров ва И.Очиловлар томонидан талон-торож қилинган 32 миллион 623 минг 533 сўм зарар жуда кўп миқдорни ташкил қилган, бу амалга киритилган янги қонун бўйича эса, кўп миқдорга тўғри келади. Шу боис кассация инстанцияси суди маҳкумларга нисбатан қонунга киритилган ўзгартишларни татбиқ этишни лозим топди. С.Сафаров ва И.Очиловнинг қилмиши Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" бандидан шу модданинг 2-қисми "а", "в", "г" бандларига қайта малакаланди.

Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши назарда тутилган. Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 29-бандида "Апелляция, кассация, назорат инстанцияси маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келганда ва бу модда шахсни жиноий жавобгарликдан, жазодан озод этишни ёки жазо қўлланилишини истисно этишни назарда тутувчи амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда, тегишли инстанция суди биринчи инстанция суди қилмишни тўғри квалификация қилганда қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак", деб қайд этилган.

Кассация инстанцияси судининг ажрими билан биринчи босқич судининг С.Сафаров ва И.Очиловга оид ҳукми ўзгартирилди. Уларнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" бандидан шу модданинг 2-қисми "а", "в", "г" бандларига қайта малакаланиб, Амнистия актининг 2-бандига асосан тайинланган жазодан озод қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, жиноят учун жазонинг оғир ёки енгиллиги эмас, балки унинг муқаррарлиги муҳим. Мақолада номлари зикр этилган З.Ўролов, С.Сафаров, И.Очилов содир этган қилмишларининг аччиқ таъмини татиб кўришди. Қонунларимизнинг туб моҳиятида инсонпарварлик, бағрикенглик, халқпарварлик тамойиллари мужассам эканлиги ҳамда у янада такомиллашиб, демократик ўзгаришлар билан мустаҳкамланаётгани, инсон манфаати, қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳамиша устувор тутилаётгани амалда ўз исботини топмоқда.

Шуҳрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, шартномада томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда неустойка ундириш масаласи кўрсатилмаган бўлса ҳам, тўлов кечиктирилган кунлар учун неустойка ундириш тўғрисида судга мурожаат қилиш мумкинми?

Қ.Мерганов,
ҳисобчи

— Ҳа, бу масалада судга мурожаат қилиш мумкин. Чунки "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасида агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилиши кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 32-моддасида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлаши, етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши қайд этилган.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Б.ЖУМАЕВ жавоб берди.

Mustaqilligimizning 22 yilligi oldidan

Ҳақиқатга айланган афсона

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Йигирма икки йил аввал оддий велосипед ишлаб чиқарадиган корхона қуришни орзу қила олмаган мамлакатимиз тарихан ғоят қисқа вақтда эришди бу муваффақиятга! Мустақилликка эришганимиздан кейин орадан бор-йўғи беш йил ўтиб ўз машинамиз чиқа бошлади. Тарихда бўлмаган воқеа бу! Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил 19 июль куни Асака автомобиль заводининг очилишига бағишланган маросимда бундай деган эди: "Бир вақтлар мен катта умидлар билан: "Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!" деб ҳавас қилар эдим. Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонадай туюларди. Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Оллоҳнинг иноғати, марҳамати билан рўёбга чикди".

Ўша кезлари "деҳқончиликдан бўлак ҳеч нарсани билмайдиган халқ ишлаб чиқарган машина узоққа бормайди" қабилидаги бахиллик ва беписандлик билан айтилган гаплар ҳам бўлди. Аммо бу гаплар асоссиз ва таги пуч эканини вақт кўрсатди. Ўзбекистон автомобиллари ўзининг қулай ва хавфсизлиги, тежамлилиги билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик автомобиль ишқибозларининг ҳам меҳрини қозонди. Ички ва ташқи бозорда автомобилларимизга бўлган талаб ва эҳтиёж йил сайин ортиб бораётгани ҳам ана шундан далолатдир.

Ўтган давр мамлакатимиз автомобилсозлиги учун том маънодаги юксалиш йиллари бўлди. Бугунги кунда автомобилсозлик соҳасида дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган "GM Ўзбекистон", "СамАвто", "JV MAN Auto — Uzbekistan", "General Motors Powertrain Uzbekistan" сингари кўплаб корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда, ушбу корхоналарда минглаб юртдошларимиз иш билан таъминланган. Бозор шароити ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделларини муттасил ўзгартириб, сифатини янада яхшилаб боришни тақозо этади. Чунки кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. Маҳсулотни вақт ўтиши билан янада замонавийлаштириш, кўркамлаштириш, харидорбоплигини ошириш борасида мунтазам чора-тадбирлар кўрилмаса, замон билан ҳамнафас қадам қўйилмаса, тараққиётдан ортда қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис мамлакатимиз автомобилсозлари истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, автомобилларни такомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда. Ҳозир "GM Ўзбекистон" корхонасида машҳур "Chevrolet" бренди билан "Malibu", "Captiva", "Lacetti", "Cobalt", "Nexia", "Spark", "Damas" автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бир неча йил аввал ҳамкасбларимиздан бири хизмат юзасидан Москвада бўлиб қайтгач, кўрган-кечирганлари, таассуротларини гапириб берди. Москва кўчаларида дунёнинг энг ривожланган давлатларининг оламга машҳур компаниялари ишлаб чиқарилган машиналар қаторида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар ҳам тез-тез кўзга ташланиши, бу одамга фахр ва ифтихор бахш этишини тўлқинланиб сўзлаб берганди. Ҳа, бугун чет элдаги катта-катта шаҳарларда ҳам ўзбек автомобиллари салмоқли ўрин эгаллаб турибди.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси автомобилларимиз экспорти ҳажмини ва географиясини янада кенгайтириш юзасидан доимий иш олиб бормоқда. Бугунги кунда МДҲ мамлакатларида Ўзбекистон автомобиль саноатининг 250 дан ортиқ дилерлари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда юк автомобиллари ва махсус машиналар ишлаб чиқараётган "JV MAN Auto - Uzbekistan" қўшма корхонаси Россия, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Афғонистон каби мамлакатларда ўз маҳсулотлари сотувини йўлга қўйди.

Юқори сифат Ўзбекистон автомобилларининг ички ва ташқи бозорда харидоргирлигининг муҳим омилларидандир. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш тизимини, сифат назорати жараёнларини, бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарни ривожлантиришни қамраб олган чора-тадбирлар изчил олиб борилаётгани ўз самараларини бермоқда.

— Ўзбекистон автомобиллари ўзининг юқори сифати, қулай ва бежиримлиги, дизайнининг ўзига хослиги билан эътиборни тортади, — дейди йигирма беш йиллик автоҳаваскор Тўхтасин Йўлчиев. — Мана бу "Нексия"ни мина бошлаганимга ўн йилдан ошди. Шу пайтга қадар бирор жойи тиқ этгани йўқ, беминнат дастёр. Ойналари ёпилганда ҳаракат пайтида салонда товуш эшитилмайди, динамикаси зўр, бошқариш осон, баландликларга кўтарилганда ҳам анча енгил тезлик олади. Шаҳарга ҳам, узоқ масофаларга ҳам яхши мослаштирилган. Энг муҳими, машинанинг юртимизда чиқаётгани. Мамлакатимизга автомобиллар четдан олиб келинган, навбатга ёзилган кўплаб юртдошларимиз машина ололмай армонда кетган даврларни яхши эслаймиз. Бугун ўз автомобилларимиз деярли ҳар бир хонадонга кириб борди. Турли русумдагиларини, ҳатто ўзимизга ёқадиган рангини танлаб олиш имконияти яратилган.

Автомобилсозликни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда маҳаллийлаштириш муҳим ўрин тутади. Бу иқтисодиётни барқарор тараққий эттириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришга янги ва самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш имконини бермоқда. Маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни рағбатлантириш ва бутловчи қисмлар импортини қисқартириш ҳисобига валютани тежашга хизмат қилаётир.

Шу боис машинасозларимиз автомобиллар учун зарур кўплаб деталларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида мунтазам иш олиб бормоқда. Бамперлар, автомобиль ойналари ва ўриндиқлари, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, лак-бўёқ материаллари, тутунчиқаргичлар ва зарбага қарши балкалар, ёнилғи баклари, ташқи ёритиш воситалари, жгутлар, автомобиль электр ўтказгичлари, аккумуляторлар, ғилдирак дисклари ва шасси узеллари, ёнилғи насослари, генераторлар, компрессорлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар мамлакатимиздаги икки юздан зиёд корхона билан кооперация алоқаларини йўлга қўйган.

Машиналар учун куч агрегатлари ишлаб чиқараётган "General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожида янги даврни бошлаб берди. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг саноқли мамлакатидагина мавжуд. Мазкур заводда 1,5 литр ва 1,2 литр сиғимдаги янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилмоқда. "GM Ўзбекистон" маҳсулотларига ушбу корхонада тайёрланган двигателлар ўрнатилиши натижасида корхонанинг қўшимча қийматида маҳаллийлаштириш улуши 82 фоизга етди.

Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ, жумладан, ўз тараққиёт йўлини эркин белгилаш, меҳнатининг самарасини, роҳатини кўриш ҳуқуқи демакдир. Ушбу ҳуқуқ ўзлигимизни англаш, саховатли заминимиз бойликларини, халқимизнинг улкан яратувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини Ватанимиз равнақи, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашимиз, буюк орзуларимиз рўёби йўлида сафарбар этиш имконини берди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликка эришгач, юртимизда қисқа вақт ичида автомобилсозликка асос солингани ва ушбу соҳа барқарор ривожлантирилаётгани, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган миллий автомобилларимиз ана шу ҳуқуқнинг ҳаётимиздаги ёрқин амалий ифодасидир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ҳозирги замон тўлов воситалари асосан қоғоз ёки металл пуллар кўринишида бўлиши одатий бир ҳол. Аммо қоғоз пуллар муомалага киритилганига унча кўп бўлгани йўқ ва авваллари инсоният турли-туман маҳсулот ва ашёларни айирбошлаш орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилган. Қуйида ўз даврида тўлов воситаси вазифасини ўтаган маҳсулот ва ашёлар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Garoyib olam

Биз билган ва билмаган дунё

Инсон ҳаётида оддийгина туз ўта муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам бу неъматни "Ош тузи" деб ҳам атаймиз. Инсоният тарихида ош тузининг топилиши худди оловни кашф этиш сингари ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу боис қадимда туз дунёнинг кўпгина халқлари ҳаётида ўта қадрли тўлов воситаси сифатида ҳам муомалага киритилган. Аниқроқ айтганда, туз эвазига кўп нарсани харид қилиш мумкин эди. Бу тўлов воситасидан бир пайтлар Америка, Африка, Осиё, Европа, қўйингки, дунёнинг барча қитъаларида кенг фойдаланилган.

Фақат ўтмишда эмас, балки бугунги кунда ҳам дунёда ашёдан тўлов воситаси сифатида фойдаланадиган халқлар йўқ эмас. Масалан, Ҳимолай тоғларининг шарқида жойлашган Бутан мамлакати бозорларида ҳозир ҳам пишлоқ пул вазифасини ўтайди. Эндиликда маҳаллий тикчунг деб аталувчи металл тангалар ва Ҳинд рўпияси жорий этилган бўлишига қарамай, олди-сотди ишларида маълум катталикда кесилган пишлоқ эвазига кўп нарсаларни харид қилиш мумкин.

Бундан ташқари бир пайтлар пишлоқ тўлов тури сифатида Италияда ҳам қўлланилган. Аниқроқ айтганда, бу давлатда пишлоқ жуда юқори баҳоланган. Барча банклар пармезан пишлоғини қарз бериш пайтида гаров сифатида қабул қилган.

Мексикада эса, XVI асрга қадар ловия ҳамда какао донидан тўлов воситаси ўрнида кенг фойдаланишган. Тўлов воситаси сифатида айнан ловия ва какао дони танлангани ҳам бежиз эмас, албатта. Яъни ловия оқсил манбаига бой ва буйрак касалига даво ҳисобланса, какао эса, қон айланишини яхшилайди, уйқуни очади, бош оғриғини қолдиради ва кишига куч-қувват бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, бу маҳсулотларга аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган. Шу боис ҳам бу маҳсулотлар тўлов воситаси сифатида танланган.

Қадимда Марказий Американинг кўплаб ҳудудларида эса, какоа дўккаклари тўлов воситаси сифатида қабул қилинган.

Монголияда эса, ўрта асрларда бир бўлак тахта чойига битта қўй ёки эчки ёхуд кигиз алмаштирилган. Марказий Осиёда эса, чой барги тўлов воситаси сифатида амал қилган.

Финландияда эса, олмахон териси ҳозирги кунда ҳам тўлов воситаси сифатида тан олинади, давлат идоралари ҳар бир олмахон терисини 3 сент қийматда тўлов учун қабул қилади.

Индонезиянинг Бутунг ороли аҳолиси бундан бир неча аср муқаддам одатдан ташқари пул бирлигига эга бўлган. Ўшанда маҳаллий аҳоли пахта ипидан тикилган катта дастрўмолни пул ўринда ишлатишган.

Қадимги мисрликлар дунё цивилизациялари орасида охиргилардан бўлиб қоғоз пулга ўтган. Бу мамлакатда асрлар давомида тилла тақинчоқлар асосий тўлов воситаси сифатида амал қилган. Уларнинг орасида энг қимматбаҳо буюм узук ҳисобланиб, унинг кўриниши қанчалик чиройли бўлса, қиймати ҳам шунча баланд бўлган.

Қадимги Хитойда тўлов воситаси сифатида пичоқ қабул қилинган. Масалан, аскарлар бирор-бир буюмни харид қилаётган пайтда пули етмай қолса, ўз пичоқларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланишига рухсат берилган. Ўша пайтда бронзадан ясалган пичоқ эвазига деярли ҳамма нарсани харид қилиш мумкин бўлган.

Тинч уммони минтақаси халқлари дунёга энг катта ва оғир пул бирлигини тақдим этган. Бу ҳудуддаги ороллар Рай тошлари деб ном олган тўлов воситаси жорий этилган бўлиб, бу пул бирлигининг ўлчамлари 3,6 метрни ташкил этиб, оғирлиги 8-9 тоннага тенг бўлган. Уни ясаш учун бутун бир қишлоқ аҳолиси бир неча йил давомида тер тўккан. Агар тошнинг эгаси вафот этса, унинг нархи бир неча баробар ошган. Негаки, одамлар вафот этган одам тошга ўз қалби ва руҳини бахшида этган, деган ақидага ишонишган. Қизиқ томони шундаки, тош ҳеч қачон ясалган жойини тарк этмаган. Унинг эвазига маҳсулот сотиб олиш эса, маълум бир жараён бўлиб, тош эгаси маҳсулот эвазига тошга бўлган ҳуқуқидан воз кечган. Тарихда Рай тошини бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга бўлган уринишлар бесамар кетган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Saboq

Фарзанд азиз, одоби ундан азиз

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шаҳбознинг тенгдоши Шокирнинг содир этган ўғирлик жинояти билан танишсангиз, унинг тасаввурида қилмишимни ҳеч ким сезмайди, деган хомхаёл мавжудлигига амин бўласиз.

Шокир билан синглиси Лазифа бобоси ва бувисининг уйида яшар, хорижда ишлаётган онаси вақти-вақти билан уларга пул юбориб турарди. Бу пуллар меҳмонхонадаги темир сандиқда сақланишини бобоси, бувиси, Шокир ҳамда Лазифагина биларди.

Кунларнинг бирида уйда ҳеч ким йўқ эканлигидан фойдаланган "номаълум ўғри" меҳмонхонанинг ойнасини синдириб, темир сандиқдаги катта миқдордаги пулни олиб кетади.

Шокирнинг бобоси содир этилган бу ўғирлик тўғрисида зудлик билан шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Шундан сўнг барчаси ошкор бўлди. Буни қарангки, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган Шокир пулларни ўғирлаб, ҳовли тўридаги бинонинг шифтига яшириб қўйган экан.

Энди ҳар икки жиноий қилмиш тўғрисида батафсил фикр юритсак, аввало, шундай савол туғилади: наҳотки, Шаҳбознинг ота-онаси ўғлининг қўлида қимматбаҳо соат пайдо бўлиб қолганини пайқамаган бўлса? Қолаверса, ярим тунда ўғлининг уйдан чиқиб кетгани уларни нега ташвишлантирмади?

Шокир-чи? Ота-она сабоғининг кемтиклиги бола ҳаётининг нотўғри йўлга тушиб қолишига сабаб бўлмадими?!

Суд ҳар икки вояга етмаган судланувчига нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олди. Уларга нисбатан жарима жазоси тайинланиб, шаҳар ҳокими зиммасига вояга етмаган судланувчилар Ш.Қосимов ва Ш.Ҳакимовларга жамоатчи тарбиячи тайинлаш вазифаси юклатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўз фарзандига тўғри тарбия берган, уни оқибатли, хушфеъл, меҳнатсевар, ростгўй ва ҳалол инсон қилиб вояга етказган ота-она умрини роҳат-фароғатда ўтказади. Шу боисдан ҳам фарзанд тарбиясида бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйиб бўлмаслигини, қобил фарзандлар туфайли иззат-икромга эришиш мумкинлигини асло унутмайлик.

Одил МАННАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг раиси вазифасини бажарувчи

Ишонч — чинакам инсоний туйғу. Бу туйғу кишилар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, бир-бирига нотаниш одамларни дўст-биродарга айлантиради. Бироқ ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар ўзларининг чиркин муддаосига етиш учун ишонч сингари муқаддас туйғуни ҳам ниқоб қилиб олишдан тап тортмайди.

Қуйида ана шундай кимсалардан бирининг кирдикорлари хусусида фикр юритамиз.

Qilmish-qidirmish

Гап шундаки, Китоб тумани электр таъминоти корхонаси электр назоратчиси вазифасида туппа-тузук ишлаб юрган (исм-шарифлар ўзгартирилган) Хайрулла Рўзиев ҳавойи нафсининг йўриғига кириб, нопок йўлни танлади.

Унинг фириб тузоғига дастлаб туманнинг "Қайнарбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ҳаловат қишлоғида яшовчи Нозим Авлоқулов тушади. Хайрулла янги электрон ҳисоблагичнинг ҳужжатларини расмийлаштириш баҳонасида ундан 50 минг сўм олиб, кўздан ғойиб бўлади.

Кейин унинг йўли қўшни Дўрмон қишлоғида яшовчи Зокир Қодиров хонадонига тушди. Хайрулланинг алдаб-аврашларига лаққа тушган Зокир ҳам унинг қўлига 120 минг сўмни қандай тутқазганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Шундан сўнг нафси баттар ҳакалак отган Хайрулла "Паландара" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида пайдо бўлади. У бу ҳудудда яшовчи фуқароларга ҳам ўзини "ҳожатбарор" қилиб кўрсатиб, уларга қуюқ ваъдалар берган ҳолда, Баҳодир Холовдан 140 минг сўм, Азим Норовдан 540 минг сўм, Ботир Турдиевдан 290 минг сўм нақд пулларни санаб олади ва бу маблағни корхона ҳисобига кирим қилмасдан, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Фақат буларгина эмас.

Фирибгарликнинг ҳадисини олиб, қайта-қайта нопок қилмишга қўл урган Х.Рўзиевнинг ёлғон ваъдаларига учган туманнинг "Бештерак" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Сарой қишлоғида истиқомат қилувчи Комил Баҳромов 650 минг сўм, Раҳмат Жавлиев 500 минг сўм, Акбар Жўраев 600 минг сўм маблағини қўшқўллаб унга топширишади.

Халқимиз: "кўза кунда эмас, кунида синади", деб бежизга айтмаган. Шундай экан, қинғир ишнинг қийиғи бугун бўлмаса, эртага юзага қалқиб чиқиши тайин.

Бир фирибгар кимсанинг алдовларига ишониб, оқибатда эса, "чув" тушган фуқаролар хайриятки, кеч бўлса-да, ўз хатосини англаб етишди.

Кейинчалик ваколатли идоралар томонидан ўтказилган текширув ва суриштирувлар асосида Х.Рўзиевнинг асл қиёфаси фош бўлди.

Бу ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Х.Рўзиевнинг қилмишларига ҳам судда холис ва адолатли баҳо берилди. Шу билан бирга, жабрланувчиларга етказилган жами 4 миллион 303 минг сўм моддий зарар судланувчи томонидан тўлиқ қопланганлиги суд ҳукмида алоҳида қайд этилди.

Бир қарашда, жиноятчи қилмишига яраша жазо олган, ҳаммаси адолатли якун топгандек туюлади. Аслида ҳам шундай. Бироқ юқорида баён этилган ҳолатлар ҳақида фикр юритганда, кўнгилдан баъзи мулоҳазалар кечади.

Хўш, жабрланувчилар нега фирибгар кимсанинг тузоғига оппа-осон тушиб қолишди? Нега унинг қуюқ ваъдаларига ишониб, ўзлари қилаётган ишнинг охирини ўйлаб ҳам кўришмади?

"Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятининг 2011 йил 22 июлдаги № 02/2994-сонли алоқа хатига асосан назоратчиларнинг истеъмолчилардан электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўловни қабул қилиб олишлари тақиқланган. Аниқроқ айтганда, бундай тўловлар махсус белгиланган жойларда амалга оширилиши лозим. Гарчанд жабрланувчилар бундан ўз вақтида хабардор этилган бўлса-да, алоқа хатида белгиланган тартибга риоя қилмасдан, С.Рўзиевнинг жиноий мақсадини амалга оширишга йўл очиб берганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фирибгарлик билан ўзгаларни "чув" тушириш эвазига мўмай даромад орттиришга уринадиганлар охир-оқибат қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳалол меҳнат қилиш, виждон амрига қулоқ тутиб яшаш лозимлигини унутмаслик керак.

Наврўз АШУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6643.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰